

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМий-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АГЗАМХОДЖАЕВ САИДАНВАР ТАЛАТОВИЧ

**ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ТУҒМА ГИДРОНЕФРОЗНИ
ХИРУРГИК КОРРЕКЦИЯЛАШ УСУЛИ ТАНЛОВИГА
ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАНГАН ЁНДАШУВ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHd)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Агзамходжаев Саиданвар Талатович

Эрта ёшдаги болаларда туғма гидронефрозни хирургик
коррекциялаш усули танловига дифференциацияланган ёндашув..... 3

Агзамходжаев Саиданвар Талатович

Дифференцированный подход к выбору метода хирургической
коррекции врожденного гидронефроза у детей раннего возраста..... 21

Agzamkhodjaev Saidanvar Talatovich

Differentiated approach to the choice of method of surgical correction of
congenital hydronephrosis in children of early age..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМий-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АГЗАМХОДЖАЕВ САИДАНВАР ТАЛАТОВИЧ

**ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ТУҒМА ГИДРОНЕФРОЗНИ
ХИРУРГИК КОРРЕКЦИЯЛАШ УСУЛИ ТАНЛОВИГА
ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАНГАН ЁНДАШУВ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHd)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.PhD/Tib380 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекназаров Жуманазар Бекназарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Баиров Владимир Гиреевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Акилов Хабибулла Атауллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги
«Болалар саломатлиги миллий текширув тиббиёт
маркази» федерал давлат автоном муассасаси

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бутун дунёда “ҳар йили 303 000 янги туғилган чақалоқлар туғма аномалия билан туғилгани сабабли 4 ҳафта ичида nobуд булади”¹. Сийдик-таносил тизими аъзолари ривожланиши нуқсонлари барча эмбрионал ривожланиш аномалиялари орасида 15-45%ни ташкил этади. “Буйрак ва сийдик йўли ривожланишининг аномалияси 40-50% ҳолларда болалик даврида сурункали буйрак касаллигининг терминал босқичига олиб келади”². Бунда, пиелоуретерал сегмент (ПУС) обструкцияси натижасида келиб чиққан туғма гидронефроз (ТГ) болаларда юқори сийдик йўлларида пластик операция бажарилишига асосий сабаблардан ҳисобланади. SFU (Society for Fetal Urology, Soquel, California, USA) маълумотларига кўра, гидронефроз перинатал даврдаги ультратовуш текширувида (УТТ) 1-5% ҳолларда аниқланади, бунда ПУС обструкцияси бу болаларнинг 10-30%ида кузатилади. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, ПУС обструкциясининг тарқалиш даражаси 1000 та янги туғилган чақалоққа 2-6 дан тўғри келади³. Сўнгги ўн йилликларда гидронефроз аниқланиш ҳолатларини кўпайиши антенатал ташхиснинг кенг тарқалиши билан боғлиқ. Бунда, юқори сийдик йўллариининг кенгайиши 1-5% текширилган ҳомилада қайд этилади. Постнатал даврдаги ультратовуш текшируви антенатал ташхисланган гидронефрознинг 55-60% ҳолларда буйрак коллектор тизимининг кенгайиши сақланганини кўрсатди.

Дунё тиббиёти амалиётида эрта ёшли болаларда ТГни ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш учун мақсадга йўналтирилган, жумладан, антенатал диагностика ва ПУС обструкциясини жарроҳлик амалиёти билан даволаш муддатини аниқлаш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида, самарадорлиги анъанавий даволаш усулларида сезиларли даражада юқори бўлган ташхислаш ва даволашнинг замонавий кам инвазив усулини қўллаш билан жарроҳлик амалиётининг усули, муддати ва тактикасини танлашга дифференциал ёндашувларни ишлаб чиқишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бунда, шубҳасиз, эрта ёшли болаларда даволашнинг эндоскопик усуллариининг нисбатан паст самарадорлиги сабабларини таҳлил қилиш муҳимдир, зеро ушбу усулларнинг болалар орасида кенг тарқалишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Юқорида таъкидланганларга мувофиқ, ушбу илмий тадқиқот ишида эрта ёшли болаларда жарроҳлик амалиёти билан коррекциялаш усулини танлашга дифференциал ёндашишга асосланган ТГни ташхислаш ва даволаш усуллариини такомиллаштириш ёритилган.

¹World Health Organization. Congenital anomalies: fact sheet no. 370. World Health Organization website, 2016. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs370/en>.

²Lawrence C., Susan L., Furth M.D. Genetics and Urinary Tract Malformations. // American Journal of Kidney Diseases. 2014. -Vol. 63. -№ 2. – pp. 183-185.

³Sadeghi-Bojd S, Kajbafzadeh AM, Ansari-Moghadam A, Rashidi S. Postnatal evaluation and outcome of prenatal hydronephrosis // Iran J Pediatr. 2016 Mar 5;26(2):e3667.doi: 10.5812.

Ҳозирги вақтда, маҳаллий соғлиқни сақлаш тизими такомиллаштирилаётган шароитда, юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу муаммоларни ҳал этиш “аҳоли орасида касаллик ва ўлим кўрсаткичларини пасайтириш”га йўналтирилган Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналиш бўйича ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясига бевосита боғлиқ⁴. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ТГ бўлган эрта ёшдаги болаларни хирургик коррекциялаш усулини танлашга дифференциал ёндашиш асосида хирургик даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ-3440-сон “2018-2022 йилларда болалардаги туғма ва наслий касалликларни эрта аниқлаш давлат дастури тўғрисида”ги қарорларини ва ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “ПУС обструкцияси натижасида келиб чиққан ТГ 1 ёшгача бўлган болалар орасида обструктив уропатиянинг энг куп тарқалган тури ҳисобланади” (Weitz M. et al⁵). Krajewski W.⁶ ва ҳаммуаллифлар ўз тадқиқотларида таъкидлашларича: “ҳозирги вақтда, ТГни ташхислаш ва даволашдаги муваффақиятлар антенатал даврдаёқ буйракнинг коллектор тизими кенгайганини аниқлашга имкон берадиган ташхислашнинг юқори информатив усулини тиббий амалиётга кенг жорий этиш натижасида асосий даражага кўтарилди”. Бироқ, Oliveira E.A.⁷ ва ҳаммуаллифлар фикрига кўра, “Сийдик чиқариш йўллари ривожланишидаги этиопатогенетик асослар ва туғма нуқсонлар оқибатларини тушунишда ва фанда узлуксиз ривожланишларга қарамай, илгаригидек, эрта ёшли болаларда ТГнинг постнатал диагностикаси ва даволашга нисбатан кўплаб мунозарали саволлар мавжуд”.

“Ўтган асрнинг ўрталарида Anderson ва Hynes томонидан таклиф этилган ва кейинчалик “олтин стандарт” деб эътироф этилган пиелопластика

⁴ЎЗР Президентининг 07.02.2017й.даги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

⁵Weitz M., Schmidt M., Laube G. Primary non-surgical management of unilateral ureteropelvic junction obstruction in children: a systematic review // *Pediatr Nephrol.* 2017 Dec. –N. 32(12). –pp. 2203-2213. doi: 10.1007

⁶Krajewski W., Wojciechowska J., Dembowski J., Zdrojowy R., Szydelko T. Hydronephrosis in the course of ureteropelvic junction obstruction: An underestimated problem? Current opinions on the pathogenesis, diagnosis and treatment // *Adv Clin Exp Med.* 2017 Aug. –N. 26(5). –pp. 857-864. doi: 10.17219

⁷Oliveira E.A., Oliveira M.C., Mak R.H. Evaluation and management of hydronephrosis in the neonate // *Curr Opin Pediatr.* 2016. –N. 28. –Vol. 2. –pp. 195–201. doi:10.1097

тамойилларига риоя қилиш фақат 85-90% ҳолларда яхши ва қониқарли натижаларга эришишга имкон беради”⁸. Шу билан бирга, “Ташқи таъсирлар орқали келиб чиққан ПУС обструкцияни жарроҳлик амалиёти билан коррекциялашда эндоскопик даволаш усулининг нисбатан паст самарадорлиги уларни педиатрия амалиётида кенг қўллашни чегаралайди”⁹. Бунда Menon P. ва ҳаммуаллифлар¹⁰ маълумотларига кўра, “кўп ҳолларда обструкциянинг асосий сабаблари операциягача бўлган ташхисда аниқланмай қолади ва кўпинча фақат операцион вақтида белгиланади”.

Адабиётлардаги маълумотлар таҳлили, ҳозирги вақтда ТГни ташхислаш ва жарроҳлик амалиёти билан даволашда ютуқларга эришилганини кўрсатади. Бироқ, бунда ПУС обструкциясининг асосий сабабларини прогнозлашда ноинвазив тадқиқот усуллариининг роли етарлича ўрганилмаган, обструкциянинг ташқи омиллари йўқ, деб прогнозланган болаларда сийдик найини трансуретрал стентлаш натижалари ҳақида маълумотлар мавжуд эмас, эрта ёшли болаларда ПУСнинг гистоморфологик ҳолати ҳақида маълумотлар кам, ТГ бўлганда ПУСда қон айланишини ҳисобга олиб операция ўтказиш усуллари кўрсатилмаган, шунингдек эрта ёшли болаларда ТГни жарроҳлик амалиёти билан коррекциялаш ёритилган кам тадқиқот ишлари мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот иши Тошкент педиатрия Тиббиёт институтининг “Болалардаги туғма ва орттирилган касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усуллариини такомиллаштириш” (2017-2020йй.) мавзусидаги 01980006703-сон илмий дастур режасига мувофиқ амалга оширилди

Тадқиқотнинг мақсади туғма гидронефроз бўлган эрта ёшдаги болаларда хирургик коррекциялаш усулини танлашга дифференциациявий ёндашиш ва жарроҳлик аралашувининг янгича модификацияларини ишлаб чиқиш йўли билан хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

туғма гидронефроз бўлган эрта ёшдаги болалардаги обструкциянинг асосий омилларини ташхислашда диуретик ультрасонографиянинг имкониятларини ўрганиш;

пиелоуретерал сегмент обструкцияси омилларининг прогностик моделини ишлаб чиқиш асосида туғма гидронефроз бўлган эрта ёшдаги болаларда хирургик коррекциялаш усулини танлашга дифференциал ёндашиш зарурлигини асослаб бериш;

⁸Polok M., Apoznański W. Anderson-Hynes pyeloplasty in children - long-term outcomes, how long follow up is necessary? //Cent European J Urol. 2017. -N. 70(4). -pp. 434-438. doi: 10.5173

⁹Xu N, Chen S-H, Xue X-Y, Zheng Q-S, Wei Y, Jiang T. et al. Comparison of retrograde balloon dilatation and laparoscopic pyeloplasty for treatment of ureteropelvic junction obstruction: Results of a 2-Year Follow-Up // PloS ONE. 2016. -Vol. 11. -N. 3. doi:10.1371

¹⁰Menon P., Rao K.L.N., Sodhi K.S., Bhattacharya A., Saxena A.K., Mittal B.R. Hydronephrosis: Comparison of extrinsic versus intrinsic ureteropelvic junction obstruction groups and a plea against the vascular hitch procedure. J Ped Urol. 2015. -Vol. 11. -pp. 80-86

эрта ёшдаги болалар туғма гидронефрозада пиелоуретерал сегмент ангиоархитектоники хусусиятларига асосланган пиелопластика усулини ишлаб чиқиш;

туғма гидронефрозни хирургик даволаш натижаларини баҳолаш ва эрта ёшдаги болаларда операциядан кейинги жараённинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг болалар урология бўлими ва Республика перинатал маркази хузуридаги неонатал хирургия марказида 2011-2017 йиллар давомида даволанган 1 ойликдан 3 ёшгача бўлган 131 нафар болалар олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб болаларнинг умумий ҳолатини баҳолаш, клиник-лабораториявий ва анатом-функционал таҳлиллар, обструкциянинг асосий омилларини ноинвазив прогнозлаш натижалари ва эрта ёшли болаларда туғма гидронефрозни жарроҳлик амалиёти билан даволашда турли усулларни қўллашни баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун клиник-лаборатор, инструментал (ультратовушли, рентгенологик, эндоскопик ва радионуклид), морфологик, ва статистик услублардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туғма гидронефроз бўлган эрта ёшли болаларда пиелоуретерал сегмент ангиоархитектоники хусусиятларига асосланган пиелопластика усуллари ишлаб чиқилган;

туғма гидронефроз бўлган эрта ёшдаги болалардаги пиелоуретерал сегмент обструкцияси асосий омилларини дифференциал таххислашда диуретик ультрасонографиянинг юқори информативлиги исботланган;

пиелоуретерал сегмент обструкцияси омилларининг прогностик модели ишлаб чиқилган ва туғма гидронефроз бўлган илк ёшли болаларни хирургик даволаш усулини танлашга дифференциал ёндашиш зарурлиги исботланган;

туғма гидронефроз бўлган эрта ёшдаги болаларни хирургик даволаш натижалари таҳлил қилинган ва операциядан кейинги яқин вақтнинг кечиш хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

туғма гидронефроз бўлган эрта ёшдаги болаларни жарроҳлик амалиёти билан даволаш натижаларини яхшилашга ёрдам берувчи пиелоуретерал сегментни кесиш ва мобилизациялаш бўйича ишлаб чиқилган усулнинг самарадорлиги аниқланган;

туғма гидронефроз бўлган болалардаги пиелоуретерал сегмент обструкцияси асосий омилларини верификациялаш учун операциягача комплекс текширув ўтказиш зарурлиги белгиланган;

туғма гидронефроз бўлган эрта ёшдаги болаларда пиелоуретерал сегмент обструкциясининг асосий омилни прогнозлашда диуретик ультрасонографиянинг имкониятлари асосланган;

прогностик модель туғма гидронефроз бўлган эрта ёшдаги болаларда пиелоуретерал сегмент обструкциясининг асосий сабабини юқори эҳтимоллик билан аниқлаш имконини бериши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот иши натижалари ишончлилиги замонавий, амалиётда кенг қўлланадиган объектив, клиник, лабораториявий, ультратовушли, рентгенологик, радиоизотопик, эндоскопик текширув маълумотлари билан тасдиқланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти тадқиқотчи томонидан олинган маълумотларнинг пиелоуретерал сегмент обструкцияси, эрта ёшдаги болаларда ушбу зонада уродинамика бузилишининг хусусиятлари тўғрисида ташхислашда мавжуд тушунчаларни янада тўлдиришидан иборат. Тадқиқот иши натижалари, уродинамика бузилишининг турли омиллари ва диуретик ультрасонографиядан фойдаланиб обструкциянинг асосий сабабарини аниқлаш ҳақида мутахассислар билимини кенгайтиради ва уларнинг ТҒни хирургик коррекциялаш усулини танлашда кенгроқ дифференциал ёндашишларига ёрдам беради. Тадқиқот ишининг алоҳида натижаларидан эрта ёшли болаларда туғма гидронефрозни ташхислаш ва даволаш бўйича магистрлар ва клиник ординаторларни ўқитиш дастурининг тузилиши ва мазмунини такомиллаштириш мақсадида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти диуретик ультрасонографиядан фойдаланиш зарурлиги ва операциягача пиелоуретерал сегмент обструкциясининг асосий сабабарини аниқлаш учун муаллиф ишлаб чиққан прогностик моделни қўллаш мақсадга мувофиқлигини исботлашдан иборат. Олинган натижалар эрта ёшли болаларда пиелоуретерал сегмент обструкциясини хирургик коррекциялаш усулини танлашда дифференциал ёндашишга имкон берди. Обструкциянинг ташқи сабабарлари мавжудлиги эҳтимоли паст прогностли туғма гидронефроз бўлган болаларда сийдик найини трансуретрал стентлашнинг юқори самарадорлиги тасдиқланган. Такдим этилган пиелоуретерал сегмент мобилизацияси ва резекцияси усули уродинамиканинг эрта қайта тикланишига ва мижознинг стационар даволланишда узоқ вақт қолмаслигига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туғма гидронефроз бўлган эрта ёшдаги болаларда ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

ишлаб чиқилган “Болалар гидронефрозида пиелоуретерал сегмент мобилизацияси ва резекцияси усули”га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 05579-сон патент, 2018 йил). Таклиф этилган усулни қўллаш операциядан кейинги эрта ва кеч асоратларни 5,4%дан 1,2%гача пасайтиришга имкон берган;

“Болалардаги гидронефрозда обструкциянинг етакчи омилларини дифференциал ташхислашда диуретик ультрасонографиядан фойдаланиш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018

йил 02 мартдаги 8н-д/33-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар туғма гидронефроз бўлган болаларни текшириш пиелоуретерал сегмент обструкциясининг асосий сабабини операциягача бўлган босқичда аниқлашга ва нуқсонни жарроҳлик аралашуви билан коррекциялаш усулини танлашга дифференциал ёндашишни амалга оширишга имкон берган;

Туғма гидронефроз бўлган эрта ёшдаги болаларда ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси болалар урологияси бўлими, Республика перинатал маркази ҳузуридаги неонатал хирургия ўқув-даволаш методик маркази ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар хирургия бўлими амалий фаолиятига табиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 02 мартдаги 8н-д/33-сон маълумотномаси). Тадқиқотдан олинган натижалар юқори эҳтимоллик билан (83,3%) пиелоуретерал сегмент обструкциясининг асосий сабабларини аниқлаш ва беморларни стационар даволаниш муддатларини 37%га қисқартириш ҳамда яхши ва қониқарли натижаларни 94,6% дан 98,8%гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 4 та мақола, улардан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Эрта ёшдаги болаларда туғма гидронефрозни ташхислаш ва даволашнинг замонавий ҳолати”**, деб номланган биринчи бобида ТГнинг долзарб ва умумий муаммолари, обструкция патогенези ва сабаблари жиҳати, уродинамика бузилишини ташхислаш, нуқсонни

каминвазив ва анъанавий усуллар билан хирургик коррекциялашнинг замонавий усуллари ёритилган адабиётлардаги маълумотлар таҳлили келтирилган. Келажакда ишлаб чиқилиши лозим бўлган баҳсли масалалар таҳлил қилинган ва эрта ёшли болаларда ТГни операциявий даволаш усулини танлашга турлича ёндашувлар тасвирланган.

Диссертациянинг **“Клиник материаллар ва фойдаланилган тадқиқот методларининг умумий тавсифи”**, деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материали ва усуллари, шунингдек, олинган натижалар баҳоланган статистик усул келтирилган. ТошПТИ клиникаси урология бўлими ҳамда РПМ неонатал хирургия ўқув-даволаш-методика марказида 2011 йилдан 2018 йилгача даволанган болаларнинг комплекс текширув ва хирургик даволаш натижалари тадқиқот материали бўлиб хизмат қилди.

Операция қилинган беморлар ёши 1 ойликдан 3 ёш орасида бўлиб ўртача $10,06 \pm 0,3$ йни ташкил этди. Бунда, кўпчилик беморлар гудак ёшда бўлиб, 91 нафар (69,5%) ни ташкил этди, эрта ёшли болалар сони эса 40 (30,5%) тани ташкил этди.

Мижозлар орасида ўнг томонли гидронефроз 49 тасида (37,4%), чап томон обструкцияси 73 та болада (55,7%) аниқланди, 9 та (6,9%) ҳолатда эса икки томонлама шикастланиш бўлган. Беморлар жинси бўйича тақсимланганда, ўғил болалар кўпчиликни ташкил этди – 100 нафар (76,3%), қиз болалар сони эса – 31 та (23%). Бу ҳолат умумий тақсимотда ҳам, ҳар бир ёш гуруҳи бўйича алоҳида тақсимлашда ҳам кўзга ташланди.

Клиник намоён бўлишнинг энг кўп тури “симптомсиз кечиш” - 114 та (87%) болада бўлган, ташхис эса қорин бўшлиғи ва қорин бўшлиғидан ташқари аъзолар ультратовушли текширилган 43 та (32,8%) болада тасодифан аниқланди. Битта ҳолатда боланинг аниқ жойини кўрсата олмай безовталаниши нуқсоннинг ўзига хос клиник белгиси (0,9%) бўлганки, бу оғриқ синдроми сифатида қайд этилган. Сийдик ажратув йўллари инфекцияси 12 та (9,1%) болага УЗД текширувига йўлланма беришга сабаб бўлган. 4 та мижоз (3%) қорин бўшлиғида пайпасланадиган ҳосила пайдо бўлгани учун текширилган.

Туғма гидронефрозни ташхислаш ва операциядан кейинги натижаларни баҳолашда замонавий тадқиқот методларидан фойдаланилди (1-жадвал).

1-жадвал

Операциягача ва операциядан кейин ТГни тадқиқ қилиш услублари

№	Тадқиқот тури	Операциягача бўлган микдор	Операциядан кейинги микдор
1	Ультратовушли текширув	131	131
2	Диуретик юкланма билан УТТ	31	22
3	Экскретор урография	118	112
4	Компьютер томографияси	12	3
5	Микционли цистография	9	-
6	Динамик реносцинтиграфия	13	22
7	Интраоперациявий пилломанометрия	15	-
8	Гистоморфологик тадқиқот	-	33

ПУС обструкцияси оғирлик даражасини аниқлашда биз Фетал урология жамияти томонидан тақдим этилган (1993) ТГни бешта даражага ажратувчи таснифдан фойдаландик. Бунда, 0 даража – буйракнинг ўзгармаган коллектор тизими, 1 даража – марказий буйрак комплексининг ўртача кенгайиши, 2 даража – буйрак жомининг каликоэктазиясиз кенгайиши, 3 даража – паренхима кичраймасдан барча косача-жом системаси (КЖС) кенгайиши (113 та бемор) ва 4 даража – буйрак паренхимаси қисқариши билан КЖСнинг катталашиб кенгайиши (18 та бола).

Диссертациянинг “Эрта ёшдаги болаларда туғма гидронефрозни хирургик коррекциялаш усулини дифференциациявий танлаш мақсадга мувофиқлигининг патогенетик асоси”, деб номланган учинчи бобида сийдик найининг жом кисмида уродинамика бузилиши патогенези муаммолари ёритилган, олиб борилган комплекс текширув ва эрта ёшдаги болалар ТГидаги ПУС обструкцияси сабабларини дифференциациявий ташхислаш натижалари келтириб ўтилган.

Юқори сийдик йўлларининг асосий функционал ҳолатини баҳолаш ва ПУС соҳасида уродинамика бузилиши сабабларини аниқлаш, энг аввало, ТГда дифференциал даволаш ёндашувини ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу вазифани амалга ошириш учун эрта ёшли болалар ТГ патогенезида ва етакчи омилни тасхишлашда диуретик ультрасонографиянинг имкониятлари ўрганилган.

Диуретик ультрасонография параметрлари гидродинамика назарияси коидаларига мувофиқ келиши учун ТГнинг III-IV даражалари бўлган, ПУС обструкцияси бўйича операция қилинган 31 та мижозда ретроспектив таҳлил ўтказилди. Беморлар ҳақидаги маълумотлар 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

Беморлар таснифи

Жинси		Ўртача ёш (ой)	Буйрак жоми олд- орқа ўлчами (мм)	Обструкция сабаби	
Ў	Қ			Ташқи	Стеноз
19	12	10,2±1,3	22,7±1,4	14	17

Кўриниб турганидек, жомнинг олд-орқа ўлчамида ва мижозлар ёшида сезиларли дисперсия аниқланмади, худди шундай, стеноз бўлган болалар сониди ва ташқи сабабли обструкцияда, яъни абберант томирлар (6) ва сийдик найининг проксимал кисмини туғма букилиши (4) кабиларда ҳам сезиларли дисперсия аниқланмади.

Жом майдони юзасининг пост-диуретик ўсиши қиёсий таҳлили ПУС стенозида ушбу кўрсаткич ($94,3 \pm 10,4\%$) абберант томир ёки сийдик найининг жом юкорисидан чиқиши ва унинг проксимал кисмини туғма букилиши каби обструкциянинг ташқи сабаблари бўлган мижозлар гуруҳида баландроқ бўлганини кўрсатди ($30,2 \pm 10,1\%$, $p < 0,05$).

Жом майдони пост-диуретик ўсиши жом эллиптиклиги даражасига статистик аҳамиятли манфий регрессив боғлиқ ($R^2=0,3$; $F=23,9$; $p < 0,05$). Бунда эллиптиклик коэффиценти юқори бўлган болаларда пост-диуретик кўпайиш майдони паст кўрсаткичларни кўрсатди. Диуретик ультрасонография параметрлари тавсифи 3-жадвалда келтирилган.

Таҳлил юқори таъсирчанлик (96,2%), тестнинг ўзига хослиги (82,1%) ва статистик аҳамиятнинг юқори даражасини кўрсатди (ROC-эгри ости майдон 0,97; 95% ишончли интервал 0,95-1,0; $p < 0,05$). Пост-диуретик кўпайиш даражаси ҳам юқори спецификлик (75,9%) ва таъсирчанликни кўрсатди (71,9%), $p < 0,05$ (ROC-эгри остимайдони 0,85; 95% ишончли интервал 0,75-0,94; $p < 0,05$).

3-жадвал

ПУС обструкцияси сабабларидан келиб чиқиб диуретик ультрасонографиянинг параметрлари фарқи

Обструкция сабаби	Кўрсаткичлари		
	Буйрак жомининг олд-орқа ўлчами	Эллиптиклик коэффиценти	Пост- диуретик ўсиш майдони
Стеноз	18,2±1,3	0,51±0,2	94,3±10,4
Ташқи омиллар	27,9±2,1	0,67±0,04	30,2±4,1
p	<0,01	<0,01	<0,01

Сийдик найи стенози бўлган 33 та болада ўтказилган гистоморфологик тадқиқотлар унинг структурасидаги ўзгаришларни кўрсатди (4-жадвал).

4-жадвал

Сийдик найи стенози бўлган болаларда ПУС деворининг гистоморфологик ўзгариши


Ўши	Миоцитлар гипертрофияси, шиллик парда гипертрофияси	Тотал фиброз
1 ёшгача (n=19)	16	3
3 ёшгача (n=14)	9	5
Жами	25	8

Шиллик қават қалинлашуви ва мускул толалар гипертрофияси 14 та ҳолатда аниқланди (1-расм) ва 11 та биоптатда сийдик найи бўшлиғини камайтирувчи уротелий гипертрофияси обструкцияга сабаб бўлган. Коллаген толаларнинг диффузиявий ошиши 8 та сийдик найида аниқланди (2-расм). Тузилиши сақланиб қолган сийдик найларининг умумий сони (миоцитлар ёки шиллик қават гипертрофияси – 25 та сийдик найи) барча қаватларида чуқур деструктив ўзгаришлар бўлган сийдик найлари микдоридан сезиларли равишда юқори – 8 та сийдик найи.


Шу тариқа, структур ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган асл ҳолига қайта оладиган ПУС обструкцияси частотаси асл ҳолига қайтолмайдиган табиатга эга структур бузилишлар частотасидан сезиларли равишда юқори бўлди.

Гидронефроз ривожланиши турли этиопатогенетик омилларининг мавжудлиги оқилона даволаш усулини танлашга бўлган дифференциал ёндашув заруратини белгилайди. Шубҳасиз, хирургик даволашнинг турли усуллари орасидаги фарқланиш адекват прогностик модель ва юқори аниқлик даражасига эга ташхислаш асосида қурилиши керак.

Прогностик моделни қуриш учун кучли моделлаш услуби сифатида мураккаб чизиксиз қарамликни акс эттира оладиган сунъий нейронли тўрдан фойдаланилди. Чизиксиз жараёнларни моделлаш, шовқинли маълумотлар билан ишлаш қобилияти ва мослашувчанлик эрта ёшдаги болаларда ПУС обструкциясининг ташқи ёки ички омилларини прогнозлаш учун нейронли тўрни қўллаш имкониятини беради.




**1-расм. Миоцитлар
гипертрофияси. Г-Э, 10x10**



**2-расм. Тотал фиброз.
Ван-Гизон, 10x20**

Сунъий тўрни куриш учун Golden R.M. томонидан таклиф этилган (1996) кўп қатламли персептрон архитектурадан фойдаланилди (3-расм). Яширин қаватда нейронларнинг максимал сони 50 га тенг бўлган, кузатувларни тасодифий тақсимлаш пакетли услуби танланди (барча ҳолатларнинг 70%ида). Яширин қават фаоллаш функцияси – гиперболик тангенс ва активация функцияси – Softmax. Киритиладиган ўзгарувчилар (предикторлар) X2– мижоз ёши, X3 – жомнинг олд-орқа ўлчами, X4 – жом геометрияси (гирдобсимон ёки эллиптик) ва X5 – жомнинг пост-диуретик ўсиши катталиги ва X6 – эллиптик жом коэффициентидан иборат.




3-расм. Нейрон тўр структураси (матнда тушунтирилган)

Обструкциянинг асосий омиллари (ташқи ёки ички) прогнози натижалари таҳлили тест таъсирчанлиги 90,9%ни, нейрон тўрни тўғри прогнозлаш умумий фоизи 83,3%ни ташкил этганини кўрсатди.

Клиник мисол. 12 ойлик М. исмли мижоз. КТ 1155/806. Ультрасонограммада сагиттал ва кўндаланг проекцияда эллиптик шаклдаги жом. Эллиптиклик - 0,85, жомнинг пост-диуретик ўсиш майдони 33,7%. Нейрон тўр прогнози: обструкциянинг ташқи омили мавжудлиги

эхтимоллиги 0,96. Операцияда сийдик найи туғма букилиши ва стенози аниқланди (4-расм).



4-расм. А – УТТ манзараси.Б – интраоперацион кўриниш (матнда тушунтирилган)

Нейрон тўри прогнозига асосланиб обструкциянинг ташқи сабаблари мавжудлигини икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин: обструкция ташқи сабаблари мавжудлигининг юқори ва қуйи эхтимоллиги (5-жадвал). 0.7 дан 1 гача диапазондаги эллиптикликда ва жом майдони пост-диуретик кўпайиши 5% дан 50%гача бўлганда ташқи сабаблар мавжудлигининг юқори эхтимоллиги қайд этилган. Эллиптиклик 0,3-0,6 га тенг бўлганда ва жом майдони пост-диуретик ўсиши 60% дан юқори бўлганда ташқи сабаблар мавжудлигининг паст эхтимоллиги қайд этилган.

5-жадвал

Эллиптиклик ва жом майдони пост-диуретик ўсиши турлича бўлганда обструкциянинг ташқи сабаблари мавжудлиги эхтимолли


Прогноз	Эллиптиклик	Дельта	Эхтимоллик
Ташқи сабабларнинг юқори эхтимоллиги	0,7 – 1	5 – 50%	0,8 – 1
Ташқи сабабларнинг паст эхтимоллиги	0,3 – 0,6	>60%	0,1 – 0,3

Шу тариқа, ПУС обструкцияси сабабларини ташхислашда диуретик ультрасонография юқори спецификлик ва сезувчанликка эга бўлиб, ТГда уродинамикани ўрганиш ҳамда сийдик найи обструкцияси келтириб чиқариши мумкин бўлган сабабларини аниқлаш имконини берадиган ноинвазив функционал усул ҳисобланади. Шу билан бирга, диуретик ультрасонография натижалари ва интраоперациявий пиеломанометрия ҳамда гидронефроз этиологиясини операциявий баҳолаш натижаларининг қиёсий таҳлили ПУС структуравий ўзгаришларини ташхислаш ва ТГда уродинамика бузилишларини ташхислашда прогнозлаш моделининг юқори сезувчанлигини кўрсатди.

Диссертациянинг “Эрта ёшда болаларда туғма гидронефрозни хирургик даволаш”, деб номланган тўртинчи бобида ПУС обструкциясини хирургик коррекциялашнинг каминвазив ва анъанавий усуллари келтирилган ва уларнинг яқин ҳамда кейинги натижалари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, кичик ёшдаги болаларда туғма гидронефрозни хирургик даволаш методи танлашга дифференциал ёндашишнинг ўзига хосликлари


таъсирланган. Обструкционинг ташқи сабаблари мавжудлиги паст эҳтимоллиги прогноланган ТГ бўлган болаларда сийдик найини трансуретрал стентлашнинг юқори самарадорлиги исботланди.

ПУСни трансуретрал стентлаш 1 ойликдан 3 ёшгача бўлган 18 та болада ўтказилди. Ушбу усулдан фойдаланиш учун илк ёшли болаларда сийдик найи стенозида структур ўзгаришларда асл ҳолига қайтиш эҳтимоли юқорилиги ва ПУС обструкцияси ташқи сабаблари йўқлиги прогнолангани асос бўлди. Бунинг учун, умумий анестезия остида 11-13 Fr Karl Storz (Германия) фирмаси тубуси билан цистоскопия амалга оширилди. Жомга ретроград йўл билан ўтказгич юборилиб, у орқали сийдик найи стенти ўтказилди. Кейин ўтказгич олиб ташланди. Сийдик найи стенти ҳолати электрон-оптик ўзгартиргич ёрдамида назорат қилинди (5-расм). Стент ўртача 28 кунга қўйилган.



5-расм. А – ўтказгични ўрнатиш. Б – Жомга стент ўрнатиш

Стент олиб ташлангандан кейин назорат кузатуви олиб борилганда барча беморларда илк кўрсаткичлар билан таққослаганда жом диаметри камайиш динамикаси қайд этилди (6А-расм). 18 та болада ПУСни стентлашдан 6 ой ўтиб, жомнинг олд-орқа диаметри ўртача 60,3%га камайгани аниқланди (6Б-расм).




**6-расм. Жомнинг олд-орқа диаметри динамикаси.
А – 1 ойдан кейин. Б – стентлашдан 6 ой сўнг.**

Диаметрдаги биз айтиб ўтган динамика статистик аҳамиятга эга (6-жадвал) бўлиб, гидронефрознинг III ҳамда IV босқичидаги болаларга ҳам тегишли (7,8-расм).

6-жадвал


**Стентлашдан олдин ва 6 ойдан сўнг жомнинг
олд-орқа диаметридаги фарқ.**

	Ўртача кўрсаткич	N	Стандарт оғишма	P
Операциягача	22,8	18	18	<0,05
Операциядан кейин	9,0	18	3,08	<0,05



7-расм. Экскретор урография. Т. исмли бемор, 10 ойлик. КТ 1023/701.

А – стентлашгача. Б – стентлашдан 6 ой ўтгач.



8-расм. Экскретор урография. У. исмли бемор, 3 ойлик. КТ 878.

А – стентлашгача. Б – стентлашдан 6 ой ўтгач.


Обструкциянинг ташқи сабаблари бўлганда Андерсон-Хайнс бўйича пиелопластика, қилиш маҳаллий ва хорижий болалар урологлари орасида “олтин стандарт” ҳисобланади. Бироқ, кўпинча сийдик найининг жом қисми қон билан таъминланиш хусусиятлари ҳисобга олинмайди, бу эса қониқарсиз натижаларга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, маҳаллий ва хорижлик муаллифлар таъкидлашича, болалардаги ТГни хирургик даволаш таҳлили ПУС пластик операциясида турли асоратлар қолиши (7-36%) ва 5%га яқин

мижоз такрорий операция қилинишидан далолат беради. Хусусан, бу кичик ёшдаги болаларга тегишли.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида, ТГ бўлган болаларда ПУС мобилизацияси ва резекциясини модификацияланган усули ишлаб чиқилди (Интеллектуал мулк агентлигининг IAP 05579-сонли патенти). Бунда, ПУС томирлар боғлампидан ва атрофидаги тўқималардан сийдик найи ёшига мос нормал бўшлиққа эга жойгача силжитилади. Жомнинг дистал қисмини ва сийдик найининг проксимал томонини озиқлантирувчи томирларни сақлаб қолиш операциянинг мажбурий шартидир. Сўнг сийдик найининг дисплазияланган ҳудуди сатҳи аниқланади ва ундан 5 мм пастрокқа чок-ушлагич қўйилади, бу бўлажак анастомоз четларини инструментлар билан жароҳатланишидан сақлайди. Сероз пардагача кесилиб, сийдик найи жомдан ажратилади, бунда сийдик найининг проксимал қисми ва жомнинг дистал қисмини таъминлайдиган томирли боғлам зарарланмаслиги керак. Кейин сийдик найининг патологик қисми тўлиқ кесилади. Шу билан бирга, жомнинг шиллиқ ва мускул қаватлари кесилади, адвентицияни сақлаб қолинади.

Андерсон-Хайнс бўйича пиелоуретерал анастомозни яратиш оригинал услубида бўлгани каби, сийдик найининг *r. uretereci* артерия шохи ўтадиган латерал чети бўйлаб бўйламасига кесиш кўпинча ушбу шох зарарланишига ва қон таъминланиши бузилишига олиб келади, бу эса анастомоз зонасининг қайта торайишига сабаб бўлиши мумкин (9А, 9Б-расм).

Сийдик найи артерия шохини сақлаб қолиш мақсадида, узунлиги 1,0 см бўлган бўйлама кесим сийдик найининг проксимал қисмини олд томонидан амалга оширилади (9В-расм).



9-расм. ПУСнинг ангиоархитектониқаси. А – Схематик кўриниш. Б – Интраоперацион кўриниш. В – сийдик найининг олд юзаси бўйлаб кесиш ва резекция усуллари

Даволаш натижаларини баҳолаш учун экскретор урография маълумотларидан, уродинамика ҳолатининг миқдорий тавсифи учун - диуретик ультрасонография маълумотларидан фойдаландик. УТТ жаррохлик муолажасидан сунг 1, 3, 6 ва 12 ой ўтиб олиб борилди. Диуретик

ультрасонография кўрсаткичлари дастлабки ҳолат маълумотлари билан таққосланди.

ТГни хирургик даволашнинг олдинги натижаларини қиёсий таҳлил қилиш вазифасини бажариш учун иккита клиник гуруҳ тузилди. I гуруҳни ишлаб чиқилган модификация бўйича томир сақланиб қолиниб пиелопластика қилинган 79 та бола ташкил этди. II гуруҳга Андерсон-Хайнс бўйича пиелопластика қилинган 34 та мижоз киритилди.

Операциядан кейинги эрта давр клиник кузатув натижалари томир сақлаб қолинган пиелопластика (I-гуруҳ) Андерсон-Хайнс бўйича (II-гуруҳ) пиелопластика қилинганларга қараганда анча афзалликка эга эканлигини кўрсатди. I гуруҳ мижозларида II гуруҳ болалари билан таққослаганда битиш жараёнини тезлаштиришга ва жом ҳамда сийдик найининг перистальтик тўлқинлари қайта тикланиши, дренажловчи трубаларни эрта олиб ташлашга эришилди. Бунда, I гуруҳ болаларида буйракнинг йиғиш тизимини дренажлашга кетган ўртача вақт $7,0 \pm 0,5$ суткани ташкил этди, II гуруҳда эса – $9,4 \pm 0,8$ суткани ташкил этди. Шу тариқа, I гуруҳдаги болаларда II гуруҳдагилар билан таққослаганда, шаклланган пиелоуретерал анастомозда уродинамика анча эрта қайта тикланди ($p < 0,05$).

Бу охир-оқибат болаларнинг кам вақт стационар даволашда бўлишларига олиб келди. Демак, I-гуруҳ мижозларининг стационарда ўртача даволанишлари $9,2 \pm 0,7$ кунни ташкил этди. Худди шундай кўрсаткич II гуруҳда - $14,34 \pm 0,9$ кунни ташкил этди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги $p < 0,05$ ни ташкил этди.

Операциявий даволашнинг натижалари билан олиб борилган қиёсий таҳлил маълумотларига кўра, II гуруҳдаги болалардаги ТГни хирургик даволашда ($n=37$) қониқарсиз натижа 2 та (5,4%) мижозда, I гуруҳдаги ($n=85$) беморлардан эса фақат битта (1,2%) болада аниқланди. Шубҳасиз, Андерсон-Хайнс бўйича пиелопластика болалардаги ТГни хирургик коррекциялашнинг юқори самарали усули ҳисобланади, бироқ, натижалар таҳлили, олиб борилган ташхислаш ва даволаш чора-тадбирлари - яхши ва қониқарли натижалар 37 та бемордан 35 тасида (94,6%) олинди. Операция қилинган мижозларнинг биттасида такрорий операция ўтказилди. II гуруҳ болаларида I гуруҳ мижозлари билан таққослаганда яхши ва қониқарли натижаларнинг пастлиги операция муолажалари сийдик найининг жом қисмининг морфо-функционал ҳолатини ҳисобга олмай бажарилгани, биринчи навбатда эса, ПУСда қон айланиши объектив баҳоланмаганлиги билан изоҳланса керак.

Шубҳасиз, I гуруҳдаги болаларда ТГни хирургик коррекциялашдан кейинги яхши ва қониқарли натижаларнинг бу каби юқори кўрсаткичи, аввало, обструкция сабалари ўз вақтида бартараф этилгани ва хирургик амалиёт вақтида анастомоз зонасида нормал қон айланиш сақлаб қолингани билан боғлиқ бўлиб, бу уродинамиканинг эрта тикланишига олиб келади ва буйрак функциялари йўқотилишининг олдини олади.

ХУЛОСА

1. Диуретик ультрасонография ПУС уродинамикаси бузилишини ўрганишга ёрдам берадиган ноинвазив функционал усул ҳисобланиб, эрта ёшдаги болаларда гидронефроз сабабини ташхислашда юқори сезувчанлик (96,2%) ва ўзига хосликка (82,1%) эга.

2. Таклиф этилган ПУС обструкцияси патогенези омилларини прогностик моделлаш эҳтимолликнинг юқори даражаси билан (90,9%) эрта ёшдаги болалардаги туғма гидронефрозни хирургик даволаш усулини танлашни амалга оширишга ёрдам беради.

3. Эрта ёшдаги болаларда обструкциянинг ташқи сабаблари йўқлиги ва ПУС структуравий ўзгаришларининг муқобил шакллари мавжудлиги прогноزلанганда нуқсоннинг даражаси ва буйракнинг йиғувчи тизими дилатациясидан қатъи назар трансуретрал стентлаш юқори самарали усул ҳисобланади.

4. ПУСни кесиш ва пиелоуретерал анастомозни қўйиш бўйича ишлаб чиқилган модификация яратилган анастомоз битиши учун оптимал шароит яратади ва яхши ҳамда қониқарли натижалар сонини оширади. Буларнинг барчаси беморларни стационар даволаниш муддатларини қисқартиришга ($14,34 \pm 0,9$ кундан $9,2 \pm 0,7$ кунга) ва хирургик коррекциянинг натижаларини яхшилашга ёрдам беради (94,6%дан 98,8%гача).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01при
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВАи ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ по ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

АГЗАМХОДЖАЕВ САИДАНВАР ТАЛАТОВИЧ

**ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД К ВЫБОРУ МЕТОДА
ХИРУРГИЧЕСКОЙ КОРРЕКЦИИ ВРОЖДЕННОГО ГИДРОНЕФРОЗА
У ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА**

14.00.35 – Детская хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.PhD/Tib380

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Бекназаров Жуманазар Бекназарович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Баиров Владимир Гиреевич доктор медицинских наук, профессор Акилов Хабибулла Атауллаевич доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Федеральное государственное автономное учреждение «Национальный медицинский исследовательский центр здоровья детей» Министерства здравоохранения Российской Федерации

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2018 года).

Ф.Г. Назиров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения во всем мире, «ежегодно 303 000 новорожденных умирают в течение 4 недель после рождения, из-за врожденных аномалий»¹¹. Пороки развития органов мочеполовой системы составляют 15-45% среди всех аномалий эмбрионального развития. «Аномалии развития почек и мочевых путей свыше 40-50% случаев приводят к терминальной стадии хронической болезни почек в детском возрасте»¹². При этом, врожденный гидронефроз (ВГ) вследствие обструкции пиелoureтерального сегмента (ПУС) – наиболее частая причина пластических операций на верхних мочевых путях у детей. По данным SFU (Society for Fetal Urology, Soquel, California, USA), гидронефроз выявляют при выполнении пренатального УЗИ в 1-5% случаев, при этом обструкция ПУС обнаруживается у 10-30% этих детей. Распространенность обструкции ПУС по данным литературы колеблется в пределах 2-6 случаев на 1000 новорожденных детей. Рост частоты обнаружения ВГ в течение последних десятилетия связано с широким распространением антенатальной диагностики. Пренатально дилатация верхних мочевых путей регистрируется у 1-5% обследованных плодов. Постнатальное ультразвуковое исследование демонстрирует сохранение расширения полостной системы почки в 55-60% случаев антенатально диагностированного гидронефроза¹³.

С целью оптимизации диагностики и лечения ВГ у детей раннего возраста в мировой практике проводится целый ряд целенаправленных научных исследований, в том числе по антенатальной диагностике и определению сроков хирургического лечения обструкции ПУС. Для улучшения качества оказываемой медицинской помощи в настоящий период все большее внимание уделяется разработке дифференцированного подхода к выбору тактики, сроков и способа вмешательства с применением современных малоинвазивных методов диагностики и лечения, эффективность которых значительно выше традиционных. При этом, несомненно важным является анализ причин относительно низкой эффективности эндоскопических методов лечения у детей раннего возраста, что, как правило, отрицательно влияет на широкую распространенность данных методик среди детского населения. В соответствии с вышеизложенным, данная научно-исследовательская работа посвящена совершенствованию методов диагностики и лечения ВГ у детей раннего возраста, основанной на дифференцированном подходе к выбору метода хирургической коррекции.

¹¹World Health Organization. Congenital anomalies: fact sheet no. 370. World Health Organization website, 2016. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs370/en>.

¹²Lawrence C., Susan L., Furth M.D. Genetics and Urinary Tract Malformations. // American Journal of Kidney Diseases. 2014. -Vol. 63. -№ 2. – pp. 183-185.

¹³Sarhan O.M., Helaly A.E., Otay A.H.A., Ghanbar M.A., Nakshabandi Z. Prenatally detected, unilateral, high-grade hydronephrosis: Can we predict the natural history?// CanUrolAssocJ. 2018 Mar. –Vol. 12. -№ 3. – pp. 137-141. doi: 10.5489

В настоящее время, в условиях совершенствования отечественной системы здравоохранения, улучшение качества оказываемой медицинской помощи является одной из приоритетных задач. Решение данной проблемы непосредственно связано с пятью приоритетными направлениями развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы, направленных на «снижение уровня заболеваемости и смертности среди населения»¹⁴. Реализация данных задач, в том числе, улучшение результатов комплексного обследования и хирургического лечения врожденного гидронефроза у детей раннего возраста путем оптимизации диагностики, выбора дифференцированной тактики и способа хирургического вмешательства, является одним из актуальных направлений.

